



2020 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон худудлари иқтисодиёти ривожланиши таҳлили

2020 йилда коронавирус пандемияси оқибатларининг иқтисодиётга таъсирини камайтириш шароитида табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали ва оқилона фойдаланиш, етакчи тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш ҳамда иқтисодий ривожланиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган худудий сиёsat юритиш Ўзбекистон худудлари **иқтисодиётини ривожлантириш имконини берди.**



1-расм. Худудларда ЯИМ (ЯҲМ) ўсиш суръати, %да.

Манба: Дастраси маълумотлари асосида тузилди.



2-расм. 2020 йилда ЯИМ (ЯҲМ)нинг тармоқ таркиби, %да.

Манба: Дастраси маълумотлари асосида тузилди.

Ўзбекистонда ЯИМ ўсиш суръати 2020 йилда 101,6%ни ташкил этди. Шу билан бирга, Жиззах (101,6%), Сирдарё вилоятлари (100,1%) ва Тошкент шаҳридан (101,5%) ташқари барча худудларда ЯҲМнинг ўсиш суръати республика кўрсаткичидан юқори бўлди. Энг юқори ўсиш суръати Навоий вилоятида кузатилди – 107,1% (1-расм¹).

ЯИМни яратишда энг юқори улушлар Тошкент шаҳри (15,3%), Тошкент (10,8%), Навоий (8,4%) ва Самарқанд (7,3%) вилоятларида кузатилди. Нисбатан кам улушлар Сирдарё (2,1%), Жиззах (3,0%), Хоразм (3,6%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (3,7%) тўғри келади.

Аҳоли жон бошига нисбатан ЯҲМнинг энг юқори кўрсаткичи Навоий (48,7 млн. сўм), энг қуий натижага эса Сурхондарё вилояти (9,0 млн. сўм) ҳиссасига тўғри келди ва бу соҳадаги худудий тафовут 5,4 мартани ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ кўрсаткичи бўйича республика даражасидан юқори бўлган худудлар жумласига Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри киради.


Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқ таркибида саноатнинг (курилишни қўшган ҳолда) энг катта улуши Навоий (75,1%), Тошкент (53,4%) вилоятлари ва Тошкент шаҳри

¹ Изоҳ: расмларда келтирилган Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм сўzlари вилоятлар номларини англатади.

(48,5%) ҳиссасига тўғри келади. ЯҲМ таркибида қишлоқ хўжалигининг юқори улуши Жиззах (56,1%), Сурхондарё (50,4%), Хоразм (48,5%), Самарқанд (46,9%) ва Бухоро (46,4%) вилоятларида қайд этилди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯҲМдаги улуши бўйича нисбатан юқори қўрсаткичлар Навоий вилоятидан (10,6%) ташқари барча вилоятларда кузатилди (2-расм).

Пандемия оқибатларини ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш, ишлаб чиқариш суръатларини барқарорлаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши барча **худудларда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсишини** таъминлади. 2020 йилда ўтган йилга нисбатан республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 100,7%ни ташкил этди.

Худудлар кесимида Наманган (115,8%), Сурхондарё (113,9%), Жиззах (107,1%), Навоий (109,4%), Андижон (104,6%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (104,1%) саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмида сезиларни ўсиш кузатилди. Ушбу қўрсаткичлар саноат салоҳияти нисбатан паст бўлган аксарият худудларга катта эътибор қаратилганлиги ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини англатмоқда. Мамлакатимизнинг 7 худудида (Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати 100,6-103,6% ташкил этди.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг 2020 йил якуни бўйича саноат ривожланиш даражаси.

Манба: Дастробаки маълумотлари асосида тузилди.


бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми (2,1-5,0 млн.сўм оралиғида) республика параметрига нисбатан 2-5 марта паст.

Юқорида келтирилган саноати ривожланган ва нисбатан паст даражада ривожланган ҳудудлар ўзаро солиширилганда ҳудудий тафовутларнинг юқорилиги кўринади (31,2 марта) ва бу ҳолат ўсиш динамикасига эга (2019 йилда 26,6 марта га тенг бўлган). Бу эса, табиий-ресурс салоҳиятига бой, замонавий

Саноатнинг юқори концентрациясига эга бўлган Андижон, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (республикадаги жами саноат маҳсулотларининг 63,3%ига тенг) нисбатан саноати ривожланган ҳудудлар хисобланиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми 11,3-64,8 млн.сўм оралиғида кузатилмоқда (2020 йилда республика параметри – 10,7 млн.сум) (3-расм).

Шунингдек, 2020 йил маълумотлари асосидаги хисобкитоблар бўйича Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари саноати нисбатан паст ривожланган ҳудудлар хисобланиб, аҳоли жон

ишилаб чиқариш кучларини жойлаштириш имконияти мавжуд бўлган Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларига алоҳида эътибор қаратилиш лозимлигини англатади.




4-расм. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда вилоятларнинг қўшган хиссаси (%)да.

Манба: Дастробки маълумотлари асосида тузилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўртача нисбатан тўғри келиши бўйича кўрсаткичлар Андижон (мос равишда 1 гектар экин майдонидан 123,9 млн. сўм ва аҳоли жон бошига 8,6 млн. сўм), Навоий (122,9 млн. сўм ва 11,8 млн. сўм), Бухоро (122,9 млн. сўм ва 11,8 млн. сўм) вилоятларида бошқа худудларга нисбатан юқори.

Таҳлил жараёнида бу соҳада самарадорлик бўйича бир қатор худудий тафовутлар намоён бўлмоқда. Жумладан, аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича Жиззах (11,8 млн. сўм; республика кўрсаткичга нисбатан 1,5 марта юқори) ва Сирдарё (10,2 млн. сўм ва 1,3 марта) вилоятларида юқори натижалар қайд этилган бўлсада, ўртача бир гектар майдонга тўғри келадиган (мос равишда 46,2 ва 40,5 млн. сўм) маҳсулот ҳажми бошқа вилоятларга қараганда паст.

Самарқанд ва Наманган вилоятларида ўртача бир гектар майдондан олинган ҳосил нисбатан юқори бўлиб, аксинча аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми эса паст. Бу эса турли худудларда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги турлича эканлигини кўрсатади.



5-расм. Худудларда хизматларнинг ўсиш суръати, %да.

Манба: Дастробки маълумотлари асосида тузилди.

(105,9 %) юқори бўлди (5-расм).

Қишлоқ хўжалиги тармоғида 2020

йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,0 %ни ташкил этди. Худудлар кесимида юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (105,6%), Фарғона (104,8%), Наманган (103,8%), Қашқадарё (103,4%), Навоий (103,2%) вилоятларида кузатилди.

Республикада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12,9%и Самарқанд, 10,4 %и Андижон, 9,9%и Тошкент, 8,4%и Фарғона вилоятларига тўғри келди. Ушбу кўрсаткич Сирдарё (3,3%), Навоий (4,6%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (4,0%) нисбатан паст даражада қолмоқда (4-расм).


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўртача бир гектар майдонга ва аҳоли жон бошига нисбатан тўғри келиши бўйича кўрсаткичлар Андижон (мос равишда 1 гектар экин майдонидан 123,9 млн. сўм ва аҳоли жон бошига 8,6 млн. сўм), Навоий (122,9 млн. сўм ва 11,8 млн. сўм), Бухоро (122,9 млн. сўм ва 11,8 млн. сўм) вилоятларида бошқа худудларга нисбатан юқори.

Мамлакатимизда хизматлар соҳаси

2020 йилда ўтган йилга нисбатан паст даражада ривожланган бўлиб, ўсиш суръати 102,3 %ни ташкил этди. Бунинг асосий сабаби республикада короновирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида қабул қилинган карантин чекловлари билан боғлиқ. Хизматларнинг ўсиш суръати айникса, Тошкент шаҳрида (107,4 %), Сирдарё (108,5%), Бухоро (106,1%) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (30278,4 минг сўм) ва энг қуий натижага Сурхондарё вилояти ҳиссасига (2982,8 минг сўм) тўғри келди ва улар ўртасидаги фарқ 10,2 мартани ташкил этди (2019 йилда – 9,0 марта). Аҳоли жон бошига нисбатан Тошкент шаҳрида ўртача республика кўрсаткичига (6393,2 минг сўм) нисбатан 4,7 марта ортиқ хизмат кўрсатилган.

Таҳлил этилаётган даврда короновирус пандемияси таъсири сабабли мамлакатимиз ва унинг худудларида алоқа ва ахборотлаштириш (115,3%), молиявий хизматлар (125,6%) ва савдо хизматларидан ташқари барча хизмат турларида пасайиш кузатилди. Масалан, пасайиш яшаш ва овқатланиш (86,5%), транспорт (91,6%), шахсий хизматлар (92,1%) ва соғлиқни сақлаш (89,9%) хизматларида намоён бўлди.



6-расм. Худудларнинг жами экспортдаги улуси, 2020 й, %

(жами республика экспортининг тақсимланмаган қисмини хисобга олмаган ҳолда).

Манба: Дастлабки маълумотлари асосида тузилди.

Фарғона – 96,7% вилоятлари ва Тошкент шаҳри – 92,7%);

– экспорт ҳажми сезиларли даражада пасайган худудлар (Қорақалпоғистон Республикаси – 84,3%, Сурхондарё – 90,6%, Бухоро – 86,9%, Самарқанд – 84,2%, ва Қашқадарё – 53,7% вилоятлари);

Таҳлил қилинаётган давр учун вилоятлар кесимида экспорт ҳажмининг энг юқори улуси Тошкент шаҳри (34,8%) ва Тошкент вилояти (20,9%) ҳиссасига тўғри келган бўлса, энг кам улуш Жиззах (1,5%), Хоразм (2,0%) ва Сирдарё (2,1%) вилоятларига тўғри келди (6-расм).

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида асосий **капиталга киритилган инвестицияларнинг** катта қисми Тошкент шаҳри (22,2%), Қашқадарё (9,9%), Тошкент (9,4%) ва Навоий (7,9%) вилоятларига тўғри келди. Ушбу кўрсаткич бўйича энг кам улуш Хоразм (3,3%), Сирдарё (3,6%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (4,0%) ҳиссасига тўғри келди.

Жиззах (152,2%), Самарқанд (117,7%), Фарғона (116,4%) ва Хоразм (114,5%) вилоятларида асосий капиталга инвестициялар ўсишининг юқори суръатлари кузатилди. Қашқадарё (74,1%), Сурхондарё (76,3%), Навоий (78,7%), Тошкент (82,8%), Наманган (87,9%), Бухоро (96,7%) вилоятлари, Тошкент шаҳри (96,5%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (80,4%) эса, аксинча, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми пасайди.

Таҳлил қилинаётган даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида (17,1 млн. сўм, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 93,4%), кейинги ўринларда эса Навоий (16,0 млн. сўм ва 77,4%), Жиззах (9,3 млн. сўм ва 149,3%), Сирдарё (8,4 млн. сўм ва 108,9%) ва Тошкент (6,4 млн. сўм ва 81,5%) вилоятлари қайд этилди.

Худудларни комплекс ривожлантириш ва салоҳиятини ошириш масалалари бўйича лойиха томонидан тайёрланган.

Коронавирус пандемияси сабабли 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатларда жорий қилинган чеклов чоралари худудларда экспорт ҳажмининг пасайишига олиб келди.

Таҳлил қилинаётган давр учун экспорт ҳажмининг ўзгариши динамикаси асосида худудларни қуидаги 3 групга ажратиш мумкин:

– экспорт ҳажмининг ўсиши кузатилган худудлар (Сирдарё – 135,1%, Навоий – 117,5%, Андижон – 117,1%, Хоразм – 114,9%, Наманган – 106,2% ва Жиззах – 103,2% вилоятлари);

– экспорт ҳажми ўртача даражада пасайган худудлар (Тошкент – 99,9%,